

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

**Холмўминов Ғофур Бобоназарович**

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
“Факультетлараро ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

Хаётимизнинг турли соҳаларида ахборот коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келиши ва жадал ривожланиш йўлига ўтиши жамиятимизга ижобий таъсир қилмоқда. Бунинг натижада инсоният ахборотлашиш соҳасида инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари конференцияси негизида ахборотни узатиш ва истеъмолчига эътибор беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари дунёга келатганини ташкил этади. “XXI аср ахборотлашган жамият асри” деб эътироф этилмоқда деган ғояларининг шаклланиши тўғрисида фикрларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот коммуникация, экстенсив, цивилизация, техноген инновация, постиндустриал жамият, эксперимент, моделлаштириш, эътиқод, ватанпарварлик, виждон эркинлиги.

**АННОТАЦИЯ**

Ванедрение и бурное развитие информационно-коммуникационных и компьютерных технологий в различных сферах нашей жизни положительно влияет на наше общество. В результате человечество переживает период революционных изменений в информационной сфере. В основе этих изменений лежит появление наиболее современных и эффективных средств передачи информации и доведения ее до потребителя на базе информационно-телекоммуникационных и компьютерных технологий. Мы попытались проанализировать их мнение о формировании у них представлений о том, что «XXI век признан веком информационного общества».

Ключевые слова: информация, информационная коммуникация, экстенсивность, цивилизация, технологическая инновация, постиндустриальное общество, эксперимент, моделирование, вера, патриотизм, свободная совесть.

The introduction and rapid development of information communication and computer technologies in various areas of our life has a positive effect on our society. As a result, humanity is experiencing a period of revolutionary changes in the field of information. The basis of these changes is the emergence of the most modern and effective means of information transmission and delivery to the consumer on the basis of the conference of information, telecommunications and computer technologies. We tried to analyze their opinions about the formation of their ideas that "the 21st century is recognized as the age of the information society".

Хаётимизнинг турли соҳаларида ахборот коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келиши ва жадал ривожланиш йўлига ўтиши жамиятимизга ижобий таъсир қилмоқда. Техноген сивилizatциянинг ўзи кишилиқ тарихининг анча кейинги маҳсули бўлиб, у XI-VIII асрларда европада шакллана бошлади. Бу сивилizatсия Фарб сивилizatсияси деган номни олиб, мазкур сивилizatсия тарихининг кейинги даврида ижтимоий ҳаётнинг ривожланиш суръатини жадаллаштирди, экстенсив ривожланиш ўрнини интенсив ривожланиш эгаллади, инноватсияларнинг ўзи бойликка айланди. Бу сивилizatсия икки босқичдан – индустриал ва постиндустриал ёки ахборот босқичларидан ўтди. Фан ёрдамида техника ва технологиянинг ривожланиши одамлар ҳаёти ва фаолиятининг муҳим негизига айланди [1]. Техноген сивилizatсиянинг илк босқичида дунёни ўзгартириш, табиатни инсон томонидан бўйсундириш ғояси этакчилик қилган бўлиб, инсоннинг фаол ўзгартирувчи фаолияти мана шу ғояни рўёбга чиқаришга йўналтирилди. Инсоннинг фан ва техника ёрдамида табиатни бўйсундириши ғояси умумий эътироф этилди. Ф. Бекон ўзининг «Янги Атлантида» асарида инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кенгайтиришни жамиятнинг мақсади деб эълон қилди [2]. Бу мақсад узоқ вақт мобайнида техноген сивилizatсия парадигмаси бўлиб қолди.

Индустриал жамият –йирик машинали ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, мазкур ишлаб чиқариш ҳажми тинимсиз ўсиб боришига, унинг экстенсив ривожланишига, табиий бойликларнинг ўзлаштирилишига асосланган. Ишлаб чиқаришнинг экстенсив ривожланиши чегаралари аниқланишига қараб янги иқтисодий-ижтимоий тузилишга ўтиш, билим ва табиатга нисбатан янгича муносабатда бўлиш зарурияти юзага келади. Техноген сивилizatсиянинг янги босқичига ўтиш шу билан белгиланади. Бу ўтиш даври ўзгаришлар тезлигининг ошиши, уларнинг радикал ва глобал хусусиятга эга бўлиши, технологиялар, иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий тузилиш аралаш хусусият касб этиши, жамиятнинг барча соҳаларида бир-бирини кучайтирувчи инқирозлар содир бўлиши билан тавсифланади. Бунинг натижасида ахборот жамиятининг илк куртаклари ўз шаклланишининг дастлабки босқичларида индустриал жамият тартиб-тамоийллари негизида ривожланади. Аралаш технология, иқтисодиёт, маданият ва ҳ.к. вужудга келади. Фақат шундан кейин индустриал жамият ўзининг сифат жиҳатидан янги мазмунини шакллантиради [3].

Постиндустриал жамият индустриал жамиятнинг тадрижий ривожланиши ва ўзгариши жараёнида юзага келган ижтимоий шакл сифатида тушунила бошланди. Бу ғоя XIX аср ўрталарида О.Конт, Ж.Мил, А.Сен-Симон ва бошқа сотсиолог ва иқтисодчиларнинг асарларида илгари сурилди. Улар жамият ҳаёти ва фаолияти технологияси негизида ижтимоий ривожланишнинг алоҳида босқичларини қайд этдилар. XX асрнинг 20-йилларида Лондонда

жамият келажигини постиндустриал цивилизация деб таърифлаган биринчи асар нашр этилди. 70-йилларнинг бошларида Р.Арон, У.Ростоу ва бошқаларнинг ягона индустриал жамият концепсияси ўрнини гарвардлик сотсиолог Д.Белл ва бошқа футурологларнинг постиндустриал жамият концепсияси эгаллади. Иқтисод кўп жиҳатдан хизмат кўрсатишга асосланган, жамиятнинг профессионал ва техник табақалари этакчилик қила бошлайдиган, назарий билим биринчи ўринда турадиган, моделлар тузиш, тизимларни таҳлил қилишга йўналтирилган интеллектуал фаолият юксак даражада ривожланган ва ўзини ўзи қўллаб-қувватлашга қодир бўлган жамият «постиндустриал жамият» деб атала бошланди [4].

Ижтимоий ўзгаришлар янада жадалроқ тус олган шароитда бу ўзгаришларга ўз вақтида мослашиш ёки уларга жавоб бериш учун содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги ахборотга эҳтиёж кескин ортади. Ахборотга бўлган эҳтиёжлар томонга ялпи талабнинг силжиши содир бўлади. Масалан, 1994 йилда жаҳонда товар ишлаб чиқариш 3,5% га, телекоммуникация ускуналарини сотиш эса 20% га ўсди. 2004 йилга бориб ривожланган мамлакатларда иш жойларининг 60% ахборот ишлаб чиқариш ва айирбошлаш билан боғлиқ бўлади. Ахборот бозорида тузилган битимлар ҳажми йилига 20% дан ўсиб бормоқда ва тез орада ўз ҳажмига кўра нефт саноати ва энергетикадан ошиб кетади [5].

Ахборот хизматлари соҳасида аҳолининг 50% дан ортиғи банд бўлса, бундай жамиятни ахборот жамияти деб аташ мумкин. Айрим муаллифларнинг фикрича, «ахборот жамияти» атамаси Японияда пайдо бўлганига қарамай, ахборот жамияти босқичига АҚШ 1974 йилда қадам қўйган. Россия бу йўналишда дастлабки қадамларни ташламоқда.

Ахборотлашган жамият деганда билим, ахборот ва ахборот техникаси асосий рол ўйнайдиган жамият тушунилади. Ахборотлашган жамият бу шундай жамиятки, унда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш энг аввало ахборотни ишлаб чиқариш, унга ишлов бериш, уни сақлаш ва жамият аъзолари орасида тарқатишга боғлиқ бўлади. «Биз ХХИ асрга қадам қўймоқдамиз. Тирик мавжудот организмида нерв тўқималари қанча кўп бўлса, бу асрда цивилизация организмида ҳам электроника шунча кўп бўлади... Агар ҳисоблаш техникаси лозим даражада ривожланмаса, биз «йўналтирилган ривожланиш» даврига қадам қўйишга умид қила олмаймиз», деб қайд этади Н.Н. Моисеев [6].

Илмий – фалсафий концепсияларда ахборот ва билимнинг методологик характериға алоҳида эътибор берилади. Зеро, улар ҳақиқатни ратсионал билишга қаратилган тадқиқот усуллари ва воситаларини излаб топишга ёрдам берадиган фаолият мезонларидир. Лекин улар ўз ҳолича инсоннинг билиш даражасига тўлиқ ўзгариш олиб крмайди. Бунинг учун мавжуд ахборотнинг гносеологик ва эпистемологик чегарасини аниқлашга тўғри келади. Яъни ахборот ва билимнинг тадқиқот доираси маълум объектларини ҳаддан ташқари

тор ёки кенг маънода таҳлил қилишга қаратилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай илмий демаркатсиялар бузилишининг олдини олиш катта методологик аҳамиятга эга [7].

Ахборот ва билим инсон омилининг барча соҳаларида намоён бўлаётган жиҳатлари билан ҳам ажралиб туриши муҳим илмий-фалсафий масалалардан биридир. “Ахборот” – билимга бўйсунувчи тушунча бўлиб, билимни бойитади ва ўзгартиради. Инсон ижтимоий турмушининг тараққиёти негизида билим ётади, яъни билим ижтимоий тажрибани ҳаракатлантиради. Демак, “ахборот теваарак-атрофдаги турли хил манбалардан тўпланган омиллар бўлиб, билимларни қайта изҳор қилиш” [8], ҳамдир.

Епистемологик нуқтаи назардан эса билим объектив маънога эга бўлиб ҳақиқатнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради. Бунда билим тўғри танланиб, эзгу мақсад сари йўналтирилса, объектив маъно-мазсун касб этади. Шунинг учун ҳам билим билан фаолиятнинг ўзаро боғлиқлик муносабатлари кўпчилик фалсафий қарашларнинг диққат марказида туради. Ғаззолий бу хусусида шундай деган эди: “Билим – илдизларнинг илдизидир, чунки нима қилмоқ кераклиги ҳақида билим олгандан сўнггина фаолият ўз шаклини олади” [9].

Ҳозирги кунда ахборотнинг йилдан йилга кўпайиб бориши натижасида билим олиш биринчи ўринга чиқмоқда. Ахборотлаштириш жараёнларининг, айниқса информатсион - коммуникатсион технологияларининг шиддат билан ривожланишида ахборот ва билим муҳим ўрин тутаяди.

Билим ва эътиқод инсоният ривожланишининг асосини ташкил этади, уни эгаллаш усуллари эса турличадир. Масалан, ривожланишнинг аграр усулида кузатув билим манбаи ҳисобланган ва у асосида меҳнатга оид самарали ҳатти-ҳаракатлар ва табиий ресурсларнинг ўсиши таъминланади. Индустириал ривожланиш усулида эса янги энергетик манбаларни киритиш ва ишлаб чиқариш жараёнида энергиядан фойдаланишни детцентрализатсия қила олишнинг асосини ташкил этувчи кузатув, эксперимент ва назариялар яратиш билим манбалари ҳисобланади [10].

Кейинчалик компютерли моделлаштириш қўлланила бошлангандан сўнг, бу бевосита назария орқали кузатиб бўлмаслиги, экспериментал текшириш ва башорат қилишнинг иложи йўқлиги ҳақидаги билимларнинг ривожланишига олиб келди.

Ҳозирги вақтда билимнинг муҳимлиги ва зарурлиги, ахборотлашган жамиятни барпо этиш ҳақидаги концепсияларда ўз аксини топган. Билимни эгаллаш воқеликни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ. М.Поланининг таъкидлашича, “ҳис-туйғулар орқали олинган ахборот онг орқали ўтадиган ахборотга қараганда нисбатан бойдир” [11].

Замонавий дунёда мамлакатнинг ривожланиши ахборот ва билимнинг инноватсия ва татбиқ этиш ўртасида мулоқотни амалга оширадиган ва

ахборотни қайта ишлайдиган билим ва мосламаларнинг юзага келишига нисбатан қўллаши билан белгиланади. Ўз навбатида билим субъект томонидан, шахсий мулоҳаза асосида шакллантирилади [12].

Билимнинг энг юқори даражалари, одатда, сарф қилинган бирликка нисбатан маҳсулотнинг яхшиланган ва кўтарилган даражасини беради. Билим ва эътиқод ахборотни замонавий ишлаб чиқариш технологик функцияларини тавсифлайди. Билим ва эътиқод уйғунлиги - ишлаб чиқаришнинг манбаини ҳам ташкил этади.

Билим мавжудлигининг шакллари: бевосита шахсий ва бевосита жамоавийдир. Илмий билим мавжудлигининг шакллари индивидуал кўникмалар, ўқувлар, хотиралар ва шу кабиларнинг мавжудлик шаклларида фарқ қилади. Буларнинг иккинчиси шахсдан, унинг ўзига хослигидан ажралмасдир, биринчиси эса индивидуал онгда эмас, балки жамоат онгида, биринчи навбатда муайян илмий ҳамжамият онгида мавжуд бўлади.

Шахсий билим (унда билим ва эътиқоднинг қўшилиб кетиши) бевосита жамоавий билим шаклларига ўхшамайди. У тшлаб чиқарувчидан четлаша олмайди ҳамда бизга ҳақиқатни бермайди, дунёнинг ратсионал тартибига эришига йўл қўймайди [13].

Билим ва эътиқод уйғунлиги, фақатгина аниқ одамлар, шахслар томонидан олиниши мумкин ва бу шахс қанчалик оргинал (мукаммал) бўлса, фан ва маданиятга шунчалик катта ҳисса қўшиши мумкин. Шу сабабли ижод жараёнини ҳеч қачон шакллантириб бўлмайди, ҳеч қандай машина тирик одамнинг, айниқса, олим, тадқиқотчининг ўрнини боса олмайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ахборот маҳсулоти деганда билимларнинг турли жабҳалари, маълумотлар, санъат асарлари ва анъанавий йўл билан ёки электрон техника ёрдамида олинган бошқа ахборот шакллари тушунилади. Булардан кўринадики, интеллектуал меҳнат вакилларининг фаолияти кўп жиҳатдан улар оладиган ахборотнинг мазмуни, аниқлиги ва ўз вақтидалигига боғлиқ [19]. Айни шу соҳада ахборотни билимлар яратилиш ва улардан фойдаланиш жойларига этказишда ахборот технологиялари катта хизматчи куч бўлиб, у иккита ташкил этувчи қисмдан ахборот ва кўнгил очишдан иборат. Демак, одамлар учун ахборотни тақдим этиш суръати мавжуд бўлиб, у қанчалик шиддатли бўлса, тушуниш, англаш шунчалик қийинлашади.

Шундай қилиб, жамиятни ахборотлаштириш жараёнида ахборот технологияси ва ахборотдан фойдаланиш прогрессив ривожланиб боради. Бунинг негизида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳалари ўртасида яқин алоқалар ўрнатилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Yoqubova M. Axborot texnologiyalarining falsafiy asoslari./ Uslubiy qo'llanma.-T.:StarPoligraf, 2008, -22 bet
2. Bekon F. Novaya Atlantida -S.: Nauka, 1999, S-56
3. Yoqubova M. Axborot texnologiyalarining falsafiy asoslari./ Uslubiy qo'llanma.-T.:StarPoligraf, 2008, -24 bet
4. Yoqubova M. Axborot texnologiyalarining falsafiy asoslari./ Uslubiy qo'llanma.-T.:StarPoligraf, 2008, -25 bet
5. Sharifxo'jaev M. O'zbekistonda ochiq fuqarolik jamiyatining shakllanishi – T.:Sharq, 2003. – 148 bet
6. Moiseev N.N. Chelovek i noosfera. -M.: 1990, S-198
7. Abdullaeva M. Va boshqalar Milliy g'oya va fanning metodologik muammolari – T.:”Falsafa va huquq instituti” nashriyoti, 2009. – 80 bet
8. Davronov Z. Ilmiy ijod metodologiyasi.-T.:Iqtisod-moliya, 2007, - 180 bet
9. Polani M. Lichnostnye znaniya. –M., 1985, S.9
10. Abdullaeva M. va boshqalar Milliy g'oya va fanning metodologik muammolari – T.:”Falsafa va huquq instituti” nashriyoti, 2009. – 86 bet
11. Исмаилов, А. З. (2020). Демократик фуқаролик жамияти ва унда ҳуқуқий онгни билишнинг ижтимоий-фалсафий диалектик асослари. Academic Researchin Educational Sciences, 1(1), 202-210.
12. Aktamovich, I.R., & Ziyadillaevich, I.A. (2020). HISTORICAL AND THEORETICAL ROOTS OF ESTABLISHING A DEMOCRATIC LAW IN UZBEKISTAN. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 6(10), 507-510.
13. Исмаилов, А. З., Исмаилова, Н. З. (2020). Давлатчилик шаклланишида ҳуқуқий онгнинг амал қилиши: корреляцион-функционал таҳлил. Academic Researchin Educational Sciences, 1(2), 416-424.
14. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. Евразийский союз ученых, 6(75), 64-65.
15. Исмаилов, А. З. Холмўминов, Ғ.Б. (2020). Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат барпо этишнинг тарихий-назарий илдизлари. Proceedings of Global Technovation- An International Multidisciplinary Conference. Hosted from Samsun, Turkey 31 October 2020. 93-96 бетлар.
16. Исмаилов, А. З. (2019). Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тарихий назарияларда маданий омилларнинг устуворлиги масалалари. “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали, №1. 79-81 бетлар.
17. Ziyadillaevich, I.A., & Bobonazarovich, G.K. (2020). THE ORIGIN OF THE STATE AND THE IMPLEMENTATION OF LEGAL STATEHOOD IDEAS ON THE TERRITORY OF UZBEKISTAN. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 6(10), 520-524.